

БЕН ПАСТОР (АҚШ)

ҚАЛЛОБНИНГ ҚИСМАТИ

1

Англияга охирги сафарим да- вомида об-ҳавонинг ноқулайлиги байрамона кайфиятимга путур ет- казгани учунми, ҳарқалай тезроқ ўз уйимга, Прагага қайтишга ошиқаёт- ган эдим, кутилмаганда эски тани- шим мени уйига чақириб қолди. Биз у билан Венада бирга ўқигандик, у ўша пайтлардаёқ антик давр тари- хининг умидли билимдонларидан бири сифатида тилга тушганди. Ун- дан бери озмунча вақт ўтдимиз? Бу- гунги кунда Найджел Септванс Миср тарихини ўрганиш бўйича етук му- тахассис, фиръавнлар ва эҳромлар юрти ҳақидаги ўнлаб китоблар му- аллифига айланди.

Унинг Кентдаги макони Кано- па Холл деб аталарди. Сэр Найджел Септвансининг уйи қирқ нечтадир хо- надан иборат, уларнинг кўпчилиги албатта Миср билан алоқадор эди. Ундаги яшил хонани эса, ҳақиқий маънода энг мисрбоп хона дейиш мумкин эди. Септванс менга мумиё- ланган жасадлар жойлаштирилган ажойиб коллекциясини ғурур билан кўрсатарди. Ўша куни кечқурун олов чар- силлаб турган камин олдида кечки овқатдан сўнг анча пайт гурунгла- шиб ўтирдик. Уй соҳиби хушбўй трубкасини лабига қистирганча, сирли оҳангда сўраб қолди.

– Сизга жавоби йўқ бир жумбоқни гапириб берайми?

Мен қизиқиш билан бош ирғадим. Найджел эса ҳикоясини бошлади:

– Ўн йил илгари Қоҳирадаги Бри- тания мактабининг бошлиғи этиб тайинланганимда, ўзимни Миср ту- проғидаги энг бахтиёр инглиз деб ҳисоблагандим. Менинг севимли аё- лим у пайтларда ҳаёт эди, садоқатли шогирдим Роджер Болтон эса, мак- табда менинг муовиним эди. Менинг қадимги Миср иероглифлари бўйича чуқур билимга эгалгим, шогирдим- нинг қадимий дафн этиш таомили ва мумиёлаш усуллари ҳақидаги кў- никмалари бизнинг бир-бирига мос ҳамкорлар эканимизни кўрсатарди.

Бизнинг олдимизда яқинда то- пилган мумиёлар (улар олдида Миср фиръавнларининг оиласига тегиш- лилари ҳам бор эди) каталогини ту- зишдек муҳим вазифа турарди.

2

Уларнинг ишини Абдин даҳасида яшовчи қадимий топилмалар дўкони соҳиби Юсуф Ота-Журайжийнинг тасодифан йўқолиб қолиши тўхтатиб қўйди. Септванс ва унинг шогирди жуда катта пул эвазига Ота-Журайжийдан ўнлаб нодир экспонатларни сотиб олишган, улар ичидан учта тобут жуда катта қимматга эга эди. Улар- даги бузилмаган муҳрлар қадимий ҳукмдорларнинг жасад қолдиқлари бус-бутун ва дахлсиз сақланаётгани- ни кўрсатарди.

Бу каттакон ва оғир буюмлар- ни дўкондан олиб чиқишнинг ўзи бўлмасди. Сэр

Найджел бу экспо- натларни сотиб олган куни улар- ни олиб кетолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, эртаси куни олиб кетиш шарти билан уларни дўкон- да қолдириб кетганди. Кечқурун Ота-Журайжий қандайдир иш би- лан Қоҳирадан чиқиб кетган, ўша оқшом дўконга ўғри тушган. Улар қимматбаҳо буюмларни қидириб, барча тобутларни очиб ташлашган. Улар тобут ичидаги мумиёларнинг бир қисмини опкетишган, – оддий мисрликлар мумиёлашда ишлатил- ган мум ва ва махсус ёғни фақатги- на айрим касалликларга даво сифа- тда ишлатишади холос, – қолган жасад қолдиқларини эса, майдалаб кетишган.

Ўғирликдан хабар топган инг- лизлар қаттиқ ташвишга тушишди. Айниқса, Болтон аламдан йиғлаб юборишига оз қолди. У, ҳатто, бир муддат ёввойи безгакка чалиниб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб ҳам олди. Сэр Найджел эса, бу ўғирлик бир нарсани икки марта сотишни ният қилган Юсуф Ота-Журайжий томо- нидан уюштирилган, деган тахмин- да эди. Савдогар шаҳарга қайтиши билан тўғри унинг ёқасидан олиб, фирибгарликда айблади. Унинг довдираб қолгани, ўзини оқлаш учун тузукроқ баҳона тополмаётгани Септвансинг шубҳаларини янада кучайтирди. Сал бўлмаса, шу ернинг ўзида қарияни бўғиб ўлдираёзди. Бу нохуш учрашув кечки пайтда бўлиб ўтганди. Эртаси куни қадимий буюм- лар савдогари сирли равишда ғойиб бўлди. Бу ҳодисадан кейин сэр Найд- жел Ота-Журайжий уни чув тушириб кетганига тамомила ишониб қолди.

3

Орадан бир неча кун ўтиб, мак- табда савдогарнинг хотини пайдо бўлиб қолди ва у Септвансни эрини ўлдирганликда айблади. У дўкон ичидаги тошли йўлакда қизил доғларни кўрган ва уни қон деб ўйла- ган. Сэр Найджел ҳам, ҳуқуқ-тарти- бот идоралари ходимлари бу доғлар қон изи эмас, оддий, симоб рудаси- дан тайёрланган махсус қизил бўёқ эканини аниқлашди. Кейинчалик дўкондан бир мунча тарихий ашё- лар, артефактлар ва анчагина пул йўқолгани маълум бўлди.

– Ярамас, бизни доғда қолдиргани етмаганидек, оиласининг тирикчилиги учун ҳам ҳеч вақо қолдирмаб- ди, – ҳикоясини тугатаркан, ўзича минғирлади сэр Найджел. – Бироқ, Қоҳира катта, айти пайтда жуда кичкина шаҳар ҳамдир. Одамлар миш-мишга жуда ўч. Агар Ота-Жу- райжийни ўлдиришганда, бу ҳақда эртами-кечми албатта гап-сўз тарқа- лар, полиция ҳам айбдорни алақачон қўлга олган бўларди. Мана, йиллар ўтган бўлса ҳамки, бу фирибгарнинг дараги чиқмади. У ҳозир қаердадир, Занзибардами, Тимбуктудами, яло қилиб юрган бўлса керак.

Мен ўзимча ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим, бу лаънати қоҳи- ралик фиръавнлар арвоҳини чирқи- ратиб, уларнинг қаҳрига йўлиққан бўлса керак. Биз Болтон билан қўли- миздан келганича ноёб топилмалар- ни асраб қолишга тиришдик. Мен уларнинг катта қисмини Лондонга олиб келдим. Бироқ Мисрга қайтиб бормадим. Орадан ўн кун ўтиб шо- гирдим менинг энг нодир марвари- дим бўлган Малика Небкхаас муми- ёсини олиб келди.

Эрталаб нонуштадан сўнг мен Септвансга хотиржамлик билан жумбоқнинг жавобини топганимни айтдим. Ҳайратдан унинг тили кали- мага келмай қолди.

– Мен жумбоқнинг жавобини ту- шимда кўрдим, – дедим мен. – Аввалига узоқ вақт ухлолмай ётдим. Кейин эса, тушимга фиръавнлар ва Нил тўлқинлари кирибди. Мен ҳам- масини тушунтириб беришга тайёр- ман, аммо сизнинг Яшил хонангизда битта тажриба ўтказмоқчиман.

Бир неча дақиқа ўтиб, биз қади- мий тобут олдида турардик. Мен боғбондан сўраб чиққан белкурак билан тобутнинг оғзидаги муҳр ва безакларини юлқиб ташлаганимда, танишимнинг юзидаги ҳайрат мисл- сиз қўрқув билан алмашди. Мен қоп- қоқни очишим билан, қаршимизда малика Небхааснинг қуриб, бужма - йиб қолган мумиёси намоён бўлди.

Септванснинг юзидаги даҳшатни бошқача тушуниш ҳам мумкин эди. Мен тобутнинг муҳрини осонгина бузиб, унинг бир четини ушатиб ол- ганимдан унинг гипсдан ясалганини тушунди ва албатта қаттиқ жаҳли чиқди.

– Лаънати қоҳиралик мени икки карра алдаган экан, – деди юракдан ҳўрсиниб.
– Бу шаънимга яна бир доғ бўлиб тушади энди.

– Сиз ўз шаънингизни ўйлама- сангиз ҳам бўлади, – дея уни тинч- лантирдим.
– Бу фирибгарнинг най- ранги эмас. Мен бу ердаги бошқа тобутлар ичидаги мумиёлар бир пайтлар Миср тупроғида даврон сур- ган фиръавну маликалар бўлганига шубҳа қилмайман. Аммо, мана бу то- бут ҳақида бундай деёлмайман. Шундай дея мен чўнтагимдан ғилофга жойланган скальпелни чиқардим. Ўн дақиқа ичида мен жа- саднинг жинси ҳақидаги тасаввур ноўрин эканини исботлаш мақсади- да мумиёни керакли жойигача ти- либ кўрсатдим. Сэр Найджел шу да- ражада тутаққан эдики, менга мушт туширишга тайёр турарди.

– Буниси ҳаммасидан ошиб туш- ди, – дея пишқирди у. – Тобутда эр- как киши ётибдими, аёлми, нима ишингиз бор? Ахир жуда қиммат- ли тарихий ашёни барбод қилдин- гиз-ку!

– Йўқ, мен сиз Қоҳирада яшаган сўнгги кунларда ўта маккорона со- дир этилган қотилликни фош этдим, холос.

– Бу тахмин менинг миямга сиз шогирдингизнинг ўғирлик ҳақида- ги янгиликдан сўнг йиғлаб юбори- шига оз қолганини айтганингиздан сўнг келди. У Лондонга сиздан ўн кун кейин етиб келганини эшитгач, шубҳам янада ортди. Сизга Миср ҳуку- мати томонидан олиб чиқиб кетишга рухсат берилган юкларни чегарадан олиб чиқишга шунча кўп вақт сарф- лангани ғалати туюлмадими?

– Балки, туюлгандир, – мужмал елка қисди сэр Найджел. – Аммо, у пайтларда мен бошқа муҳимроқ ташвишлар билан банд эдим – Қандай муҳим

ташвишлар эка- нини билсам керак, – ғамгин уф тортдим мен. – Сиз аёлингиздан ажралиб қолгансиз, аммо у ўлмаган, балки бошқа эркак билан қочиб кет- ган, шунақами?

– Сиз буни қандай... – Септванс бу гал уятдан шолғомдек қизариб кетди.

Мен тасалли бергандек унинг ел- касига қўлимни қўйдим:

– Бу хонада унинг бирорта ҳам суврати, уни эсга соладиган бирор нарсани кўрмадим. Ахир сиз ота- онангизнинг сурагларини жуда эҳтиёткорлик билан асрар экан- сиз-ку! Сиз Мисрга боришдан қатъ- ий воз кечишингиз ортида бошқа гап борга ўхшайди. Шогирдингиз дўстликка ва касбига хиёнат қилиб, аёлингизни йўлдан урган, бунинг устига оғир жиноят содир этганга ҳам ўхшайди.

– Қотиллик? – Септванс сесканиб кетди. – Айтмоқчисизки, у аёлимни тортиб олиб, кейин ўлдирган, шу- нақами? Унақада эртагаёқ Қоҳирага учаман-да, анави ярамасни ўз қўлла- рим билан бўғиб ўлдираман.

– Бунинг ҳожати йўқ, деб ўйлай- ман, – қўл силтадим мен. – Фикрим- ча сизнинг аёлингиз соғ-саломат. Сизнинг садоқатсиз шогирдингиз ўша сиз айтган лаънати савдогарни ўлдирган. Болтон ўзига оламшумул шон-шуҳрат келтириш мумкин бўл- ган топилмалар йўқолганини билгач, ғазабдан ўзини тополмай қола- ди. Шубҳа йўқки, сиздан холи тарзда у Ота-Журайжийнинг олдида борган ва уни ўлдирган. Чет элликлар учун Қоҳирада ўликдан қутулиш осонмас. Болтон қадимги мисрликларнинг мумиёлаш санъатидан пухта хабардор эди. Полдаги қизил доғлар ҳам унинг кирдикорларидан қолган қон- ли излар эди. Ўзингиз мендан яхши- роқ биласизки, қадимги Миср усу- лига кўра, жасадни мумиёлаш учун етмиш кун етади. Ота-Журайжий- нинг жасадини маликанинг мумиё- сига айлантиргач, бамайлихотир уни тобутга жойлаб, Англияга юборади. Агар сиз манави жасадга диққат би- лан қарасангиз менинг сўзларим ҳақлигига амин бўласиз. Қасос олиш учун эмас, адолат нуқтаи назаридан Қоҳира ҳукуматига бу махфий жи- ноят ҳақида хабар берсангиз яхши бўларди. Марҳум ҳақиқий қаллоб ва товламачи бўлган тақдирда ҳам жи- ноят жавобсиз қолмаслиги керак.